



КУН РАҚАМИ

Мамлакат бўйлаб 20та шаҳарда жами 1 144та 5G базавий станцияси ўрнатилган. Жорий йил охиригача бешинчи авлод алоқа тармоғи мамлакат ҳудудининг 80 фоизини қамраб олиши кутилмоқда.



janubiy.kz

Жанубий
ҚОЗОҒИСТОН1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 4 ноябрь, сешанба, №118 (3619).

>>> Президент

ҚОЗОҒИСТОН – АКАДЕМИК
ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ДУНЁВИЙ ҲУДУДИ

Kazinform. Президент “Қозоғистон – академик таълим ҳудуди” стратегик ҳамкорлар анжуманида нутқ сўзлади.

Давлат раҳбари таълим ва фан барча мамлакатлар учун алоҳида стратегик аҳамиятга эга, сарҳад билмас соҳа эканлигини таъкидлади.

– Мазкур анжуман дунёвий таълим ва фанни ривожлантириш бўйича қимматли ғоялар ва тахминлар ифодаланадиган ноёб мулоқот майдонидир. Шу муносабат билан, кечадан буён дунёнинг етакчи университетлари раҳбарлари ва вакиллари фикр алмашиш учун Астанада йиғилишмоқда. Халқаро даражадаги олимлар ва мутахассислар пойтахтимизда муҳим масалаларни муҳокама қилмоқдалар. Бугун ҳам академик таълим дунёсидаги нуфузли университетлар раҳбарлари ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор этишди. Барчангизга са-

мимий миннатдорчилик билдираман, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Президентнинг сўзларига кўра, таълим ва фан – дунёни ўзгартира оладиган асосий кучлар ва университет илгор фикрлар ва янги ғоялар маскани, илмий тадқиқотлар масканидир.

– Ҳозир, инсоният туб ўзгаришлар даврига қадам қўйган бир пайтда, таълим муассасалари замон талабларига мувофиқ ривожлантирилиши керак. Бусиз ҳеч қандай тараққиёт ёки фаровонлик бўлмайди. Қозоғистон таълим ва фан тизимини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратади. 2019 йилдан эътиборан, бу соҳага ажратилган маблағлар уч барабар ошди. Мамлака-

тимизда олий таълим муассасаларининг мустақиллиги ортиб бормоқда ва тадқиқот университетлари кўпаймоқда. «Фан ва технологик сиёсат тўғрисида»ги янги Қонун қабул қилинди. Президент ҳузурида Фан ва технологиялар Миллий кенгаши ташкил этилди. Давлатимиз олимларни, айниқса, ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватламоқда, – деди Давлат раҳбари.

Қ. Тўқаев, шунингдек, ёш авлоднинг сифатли таълим олишини таъминлаш учун давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақида ҳам тўхталди.

– 2024 йилдан буён мамлакатимизда “Миллий жамғарма – болаларга” дастури амалга оширилмоқда. Дастур доирасида Миллий жамғарма йиллик сарможий даромаднинг 50 фоизи болалар ҳисоб-рақамларига ўтказилади. Яъни Қозоғистондаги ҳар бир

бола 18 ёшга тўлгунга қадар Миллий жамғармадан маблағ олади. Ушбу маблағлардан муддатидан олдин фойдаланиб бўлмайди. Вояга етгандан сўнг, болалар тўпланган маблағларни уй-жой ёки таълимга сарфлашлари мумкин. Бундан ташқари, беш ёшдан ошган болалар учун ягона “Келешек” жамғарма тизими ишга туширилди. Ушбу тизим ота-оналарнинг ихтиёрий бадалларини, давлат томонидан ажратиладиган бошланғич таълим капиталини, йиллик давлат бадаллари ва самовий даромадларини тўплайди. Лоийҳалардан кўзланган асосий мақсад ёш авлоднинг сифатли таълим олиши учун шароит яратишдир. Бундан ташқари, ёшларга фоизсиз таълим кредитлари ва турли грантлар ажратилмоқда. Олий таълим инфратузилмаси замонавийлаштирилмоқда, янги ўқув бинолари барпо этилмоқда. Минтақалардаги олий таълим муассасалари қошида талабалар учун ётоқхоналар барпо этилмоқда. Бу – ўз келажагимизга, мамлакатнинг илмий салоҳиятига, халқимизнинг эртанги фаровонлигига сармоядир. Шу боис, Қозоғистон ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, илмий ва академик алмашинувни кенгайтириш йўлидан бориш тарафдори. Бош мақсадимиз – Қозоғистонни илмий салоҳият, билим ва инновациялар марказига айлантиришдир, – деди Давлат раҳбари.

Шу билан “Қозоғистон – академик таълим ҳудуди” анжумани таълим соҳасидаги халқаро мулоқот ва тажриба алмашинувнинг муҳим минбари сифатида якунланди. Тадбирда дунёнинг етакчи университетлари раҳбарлари, олимлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Қозоғистон жаҳон
ОАВларида

CentralAsia:

**Меҳнат мигрантларининг аксарияти
Хитой ва Ўзбекистондан келади**

Ҳозирда Қозоғистонда маҳаллий ижроия идораларининг рухсатномаси билан 14 666 нафар хорижий фуқаро меҳнат қилмоқда. Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, уларнинг аксарияти чегарадош ҳудудлардан келади. Ҳафта давомида CentralAsia веб-сайти иш излаб мамлакатга чет давлатлардан келган фуқаролар сонини эълон қилди.

Хорижий ишчиларнинг аксарияти қурилиш (4799 киши), қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик (3065 киши), кончилик (1187 киши) ва ишлаб чиқариш (1085 киши) соҳаларида ишлайди.

Фуқаролар Қозоғистонга, асосан, Хитой (5330 киши), Ўзбекистон (2682 киши), Туркия (1046 киши) ва Ҳиндистон (1012 киши) дан келишади. Бу йил хорижий ишчи кучи учун 19 400та квота яратилди.

ТАСС:

Қозоғистонда иккинчи АЭС қурилиши бошланади

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Қизилўрда вилоятига хизмат сафари чоғида минтақа жамоатчилиги билан учрашди. Мулоқот чоғида у иккинчи АЭС қурилиши юзасидан ўз фикрини билдирди ва қурилиш ишлари яқин орада бошланишини айтди. Давлат раҳбарининг нутқи Россиянинг ТАСС ахборот агентлиги томонидан ҳам эълон қилинди.

«Бундан ташқари, биз атом электр станцияларини қуришимиз керак. Дастлабки станция қурилиши бошланган. Яқин кунларда иккинчи АЭС лойиҳасини амалга оширамиз», деди Қ. Тўқаев.

Жорий йил июнь ойда Атом энергияси агентлиги Хитойнинг CNNC компаниясини иккинчи атом электр станциясини қуриш бўйича пудратчи сифатида эълон қилди. Ҳозирда Пекин билан музокаралар олиб борилмоқда. “Росатом” Қозоғистонда дастлабки АЭСни қуриш бўйича пудратчи.

Report:

**Транспорт йўлакларини ривожлантиришга
23 миллиард доллардан зиёд маблағ сарфланади**

Қозоғистон транспорт ва логистика соҳасига сармоялар ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Давлат 2035 йилга бориб Шарқ-Ғарб ва Шимол-Жануб йўналишларида транспорт йўлакларини ривожлантириш учун 23 миллиард доллардан зиёд маблағ ажратишни режалаштирмоқда. Бу маълумот Евросиё Тараққиёт Банкнинг «Евросиё транспорт тузилмаси: Лойиҳа обсерваторияси ва интeрфаол харита» ҳисоботида келтирилган.

Автомобиль йўллари соҳасини ривожлантиришга 16,7 миллиард доллар, темир йўл соҳасига 4,2 миллиард доллар ажратилади.

1,5 миллиард доллар Каспий денгизидagi денгиз портлари ва флотни ривожлантиришга йўналтирилади. Логистика марказлари, чегара ўтиш пунктлари ва аэропорт юк терминалларини ривожлантириш лойиҳаларига 0,9 миллиард доллар ажратилади.

Anadolu:

**Қозоғистон БМТнинг кибержиноятчиликка
қарши конвенциясини имзолади**

Вьетнам пойтахти Ханойда БМТнинг кибержиноятчиликка қарши конвенциясини имзолаш маросими ўтди. Тадбирда Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Бауржан Аленов раҳбарлигидаги делегация иштирок этди.

Конвенциянинг имзоланиши Қозоғистоннинг рақамли хавфсизликни таъминлаш ва кибертаҳдидларга қарши курашиш миллий тизимини такомиллаштириш юзасидан давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим қадам бўлди.

Euronews:

Марказий Осиёда СИ етакчилиги

Қозоғистон Марказий Осиё давлатлари орасида сунъий идрок соҳасида етакчи бўлишга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда у технология компаниялари ва маҳсулотлари сонини кўпайтирмоқда.

Шунингдек, ўқув машғулотларидан тортиб тайёр бозорларгача инфратузилмани ривожлантирмоқда, соҳадаги истиқболли лойиҳаларга устувор аҳамият қаратмоқда. Хусусан, у дунёвий сунъий идрок марказини барпо этиш орқали Марказий Осиё минтақасида сунъий идрокни ривожлантириш ва жорий этиш марказига айланиши мумкин.

Умуман олганда, яқин келажақда минтақада қўллаб-қувватланадиган лойиҳаларнинг аксарияти сунъий идрок соҳасига оид. Қозоғистон бир миллиард долларлик йирик лойиҳани ишга туширган дастлабки давлатлардан бири.

Қозоғистон йилига 100та лойиҳа ишга туширишни режалаштирмоқда: Астанада сунъий идрокка йўналтирилган дастлабки университетни ташкил этиш ва Aiem AI халқаро сунъий идрок марказини очиб режалаштирилган. Шундай қилиб, фан – истеъдод – бизнеси мустаҳкамлаш режалаштирилган.

Жаҳон ахборот агентликлари маълумотлари асосида.

Kazinform. Қозоғистон Республикаси Давлат маслаҳатчиси, ЮНЕСКО ва ИСЕСКО бўйича Қозоғистон Миллий комиссияси раиси Ерлан Қарин Ўзбекистон Республикасининг Самарқанд шаҳрида ўтган БМТ Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош конференциясининг 43-сессиясида нутқ сўзлади. У маърузасида ЮНЕСКО ва ICESCO (Ислом Дунёсининг Билим, фан ва маданият ташкилоти) ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, маданиятлар орасида ҳақиқий шериклик муносабатларини йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Тадбир доирасида у Ўзбекистон Республикаси Президенти маъмурияти раҳбари Саида Мирзиёева билан учрашув ўтказди.

– Биз икки мамлакат ўртасида ЮНЕСКО доирасидаги амалга оширилаётган маданий-гуманитар ҳамкорлик ва ўзаро таъсир имкониятларини муҳокама қилдик. Минтақавий ташаббусларни илгари суриш ва ЮНЕСКО доирасида трансмиллий лойиҳаларни оқилона мувофиқлаштириш ишларини давом эттириш юзасидан фикр алмашдик, – деб ёзади Ерлан Қарин ижтимоий тармоқдаги саҳифасида.

МАДАНИЯТ – ЭЛНИНГ
БОҚИЙЛИГИДИР

>>> Обуна - 2026

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ МУАЗЗАМ МАЙДОНИ

Мамлакатимиздаги барча матбуот нашрлари қатори “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасига ҳам 2026 йилга обуна авжида. Газетага обуна бўлиб, давлатимиз миқёсида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг жойлардаги ижроси мазмун-моҳиятидан хабардор бўласиз.

Шунга эришиш керакки,

рўзномамиз вилоятдаги ҳар бир меҳнат жамоаси, таълим ва ҳунар маскани, газетасевар юртдошларимиз хонадонларига етиб борсин.

Ҳиммат кўрсатаман, деган ҳамюртларимиз нафақадорлар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларни газетага обуна қилишда ҳомийлик қилишлари мумкин.

Ягона мақсадимиз – давлат газетасининг ададини

ошириб, келажақ авлодга ёруғ юз билан етказиш. Бунинг учун миллий ғурури юксак инсонлар сафини кенгайтириш лозим. Ана шу эзгу мақсад йўлида барчамиз бир тан, бир жон бўлиб, аҳилликда бирлашсак, нур устига нур бўларди. Токи тарих, маданият, маърифатни улуғлаган халқимизнинг зиёга чанқоқлиги барчага ибрат бўлсин.



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466

6 ойда обуна баҳоси: «Қазпошта» ҲҲ орқали – 5232 тенге



КИМ СОНГ КЁНГГА – ЮКСАК МУКОФОТ

Kazinform. Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жұмарт Тұқаевнинг Фармони билан мамлакатдаги олий таълим соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун «Woosong» таълим жамғармасининг вазийлар кенгаши раиси Ким Сонг Кёнг II даражали «Достық» ордени билан мукофотланди. Мукофотни ҚР Фан ва олий таълим вазири Саясат Нурбек топширди.



Куни кеча Давлат раҳбари Ким Сонг Кёнгни қабул қилди. Қасим-Жұмарт Тұқаев Туркистон шаҳрида «Woosong» университетининг жаҳон таълим андазаларига мос филиалини очгани учун унга миннатдорчилик билдирди.

Мақзур дорифунуннинг очилиши тарихий воқеа бўлиб, Қозоғистон ва Корея Республикаси ўртасида таълим ва фан соҳасидаги стратегик ҳамкорлиқни мустақамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Янги университет халқаро ҳамкорлик, инновация ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш марказига айланади. Бу ерда таҳсил олган мутахассислар мамлакатнинг илмий салоҳиятини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшади.

Туркистон вилоятида пахтачилик кластери шаклланмоқда. Яъни, етиштирилган хомашё тўлиқ маҳаллий енгил саноат корхоналарида қайта ишланади. Бу ишлаб чиқаришни чуқур ислоҳ этиш, маҳсулотга қўшимча қиймат бағишлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу муносабат билан вилоятда замонавий сув тежовчи технологиялар асосида пахта хомашёсини қайта ишлашга ихтисослашган тўртта йирик пахта заводи барпо этилмоқда.

Вилоятга сармоя жалб этиш, замонавий технологияларни жорий этиш ва пахта етиштириладиган майдонларни кенгайтириш борасида сўнгги йилларда ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Шу доирада Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Талғат Қўзбеков ҳамда “Байтерек” миллий бошқарув холдинги бошқарув раиси Рустам Қарағўйшин хизмат сафари билан Ўтрор туманидаги “Туркистон пахта агросаноат мажмуаси” МЧБ худудида бўлиб, пахта-тўқимачилик кластери қурилиши жараёнини кўздан кечирдилар.

Сафар давомида холдинг раиси ишларнинг бориши билан яқиндан танишиб, Туркистон вилоятининг саноат салоҳиятини ижобий баҳолади. Шунингдек, томонлар агросаноат соҳасида қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш масаласини муҳокама қилдилар.

Лойиҳа доирасида йилига 360 минг тонна пахта чигитини қайта ишлаш режалаштирилган. Умумий қиймати 146,8 миллиард тенгени ташкил этувчи мажмуада маиший ва тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгандан сўнг 4 мингдан ортқ янги иш ўрни яратилади. Мажмуа 39 минг квадрат метрдан зиёд майдонни эгаллайди, инфратузилма ишлари хусусий сармоядорлар томонидан амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Туркистон шаҳридаги “TURAN” махсус иқтисодий минта-

қаси яқинида сув тежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда пахта толасидан ип, газлама ва тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган янги завод қуриш режалаштирилган.

Айни пайтда Ўтрор туманида 32 минг гектар майдонда томчилатиб суғориш тизими орқали пахта экилади. Майдон яқинидаги тўрт завождан икkitаси жорий йил охирига қадар ишга туширилади, қолган икkitасининг қурилиши 2026 йилда якунланиши режалаштирилган.

Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотига кўра, бугун мамлакатда 25 мингдан зиёд деҳқончилик хўжалиги пахта етиштириш билан шуғулланмоқда. Туркистон вилоятида бу соҳада 70 минг киши банд.

Сув захираларини тежайдиган технологиялар, хусусан, томчилатиб

«ЮЖНЫЙ КАЗАХСТАН» ГАЗЕТАСИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ

Тадбир «Южный Казахстан: 100 йил – газетхон билан бирга» мавзuida ижодий кеча шаклида нишонланди. Унда вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров, вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов, Қозоғистон Парламент Мажлиси депутати Сергей Пономарев, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва журналистика соҳасининг фахрийлари иштирок этдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими Н. Кўшеров газетанинг 100 йиллик юбилеи билан табриклаб, таҳририят жамоасига хизмат автомашинаси калитини топширди.

– Барчангизни вилоятда ўз ўрнига эга «Южный Ка-

захстан» газетасининг 100 йиллиги билан чин дилдан қутлайман! Газета – жамиятнинг овози, халқ ва ҳокимият орасидаги олтин кўприқдир. У доимо давр руҳини акс эттириб келган. Саҳифаларида – минтақанинг тарихи, одам-



лар тақдири ва иқтисодий-маданий соҳада эришилган ютуқлар аксини топган, – деди ҳоким.

Тадбир давомида расмий шахслар, ҳамкорлар ва ОАВ вакиллари сўзга чиқиб, ҳозирги журналистиканинг долзарб масалалари, минтақавий ОАВнинг аҳамияти ва рақамли даврда босма газетанинг роли ҳақида фикр билдирдилар. Шунингдек,

журналистика фахрийларига эҳтиром кўрсатилди ва «Таҳририят ҳаётининг бир куни» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Кечада «Ветер перемен» номли янги китобнинг ҳам тақдими ўтди. Унда таҳририятнинг бир асрлик шонли йўли, журналистларнинг тақдири баён этилган.

“Жанубий Қозоғистон”
мухбири.

ҚОНУН ВА ТАРТИБ – МУҲИМ МЕЗОН

Сайрам туманида «Қонун ва тартибот» мавзuida ёшлар билан учрашув ўтди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев, иқтисодий тергов департаменти раҳбари Ербўлат Балғабоев, вилоят прокурорининг ўринбосари Даулет Тлемисов, давлат хизмати ишлари агентлиги ва одоб-ахлоқ кенгаши раҳбари Абилайхан Науризбаев, Парламент депутати Даулет Муқаев, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари ҳамда жамоат арбоблари иштирок этди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Кенжебекули сўзга чиқиб, жамиятда қонун устуворлиги ҳар бир фуқаронинг умумий вазифаси эканини таъкидлади. У ёшларни ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, тартиб ва ҳавфсизлиқни таъминлашга, барча соҳалар ва аҳолини биргаликда ҳаракат қилишга чақирди.



Учрашувда машҳур телебошловчи Лайла Султанқизи, журналист Руслан Ўтепбай, «Дарын» давлат ёшлар мукофоти совриндори ва оқин Биржан Байтуов, Олимпиада совриндори ва жаҳон чемпиони Сёкен Бибосинов ҳам иштирок этди.

Тадбирда ёшлар ҳуқуқий масъулият, тартиб ва адолат ғоялари, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш масалаларида ҳам ўз фикрларини билдиришди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРИ – АГРАР СОҲАНИНГ ИСТИҚБОЛИ



суғориш усули кенг жорий этилаётгани соҳага жўшқинлик бағишланмоқда. Бугунги кунда ушбу усулда суғорилаётган ерлар майдони 50 минг гектарга етди. Давлат томонидан минерал ўғитлар, пестицидлар, уруғлар ҳамда суғориш харажатларига субсидиялар ажратилаётгани пахтакорларни янада руҳлантирмоқда.

Йилига 300 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси ва 70 минг тонна тола ишлаб чиқарилаётган Қозоғистонда бу маҳсулотнинг 85 фоизи Туркия, Хитой, Россия ва Латвия каби мамлакатларга экспорт қилинади. Галдаги вазифа – чуқур қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат яратиш ва ташқи бозорларга қарамликни камайтириш.

Юқори ҳосил олишнинг асосий шarti – сифатли уруғ танлаш, замонавий агрономия усулларини

қўллаш ва илмни амалиёт билан уйғунлаштиришдир. Агар селекционерлар янги навларни яратмаса, деҳқонлар ўз тажрибаларини бошқалар билан баҳам кўрмаса, илмий ёндашув қадрланмаса, кутилган самарага эришиш мушкул.

Бу жараёнда деҳқон, олим, мутахассис ва сармоядор ҳам бир мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлиши зарур.

Бугун Қозоғистонда амалга оширилаётган йирик сармоявий лойиҳалар, давлат томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш чоралари ҳамда сув тежамкор технологияларни жорий этиш ишлари пахтачилик соҳасининг узоқ муддатли ва барқарор ривожланишига, шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

А. АБДУФАТТОҲ.



A black and white photograph of a large audience seated in a lecture hall, looking towards a stage where a person is presenting. In the foreground, the word 'COACHING' is spelled out using large, white, block letters.

A black and white portrait of a middle-aged man with short, light-colored hair. He is wearing a dark suit jacket, a white shirt, and a dark tie. A small, circular medal is pinned to his left lapel. He is standing in front of a bookshelf filled with books and binders.

Бош прокуратура фуқароларни расман огоҳлантиради: ҳуқуқни муҳофиза қилувчи идоралар ходимлари ҳеч қачон телефон орқали пул талаб қилмайди ва сизнинг банк ҳисоб-рақамларингизга дахл қилмайди. Агар сиз шундай кўнгирочиқни қабул қилган ёки шубҳали таклиф қабул қилган бўлсангиз, зудлик билан полиция идораларига мурожаат қилишингиз зарур.



ВИЛОЯТ БОСҚИЧИДА – МУВАФФАҚИЯТ

Вилоятимизда қишлоқ мактаблари ўқувчилари ўртасидаги республика фан олимпиадасининг вилоят босқичи ўтди.

Беллашувада Тулкибош тумани таълим бўлимига қарашли умумтаълим мактабларининг 105 нафар иқтидорли

ўқувчиси ўз билим ва салоҳиятини намойиш этди.

Ўқувчилар барча фанлар бўйича юқори натижа кўрсатиб, туман шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Ҳолиблар республика босқичига йўланма олишди.

Туман таълим бўлими барча иштирокчилар ва уларнинг устозларига миннатдорчилик изҳор этиб, янги зафарлар ва муваффақиятлар тилади.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

»» Сўзоқ



Сўзоқ тумани Сўзоқ қишлоғидаги Нурмухаммад Болтабоев раҳбарлик қилаётган А. Навоий номли мактабни 2024–2025 ўқув йилида 37 нафар ўқувчи битирди.

А. НАВОИЙ НОМЛИ МАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИ

Олий ўқув юртларига жами 28 битирувчиларимиз қабулланди, хусусан, уларнинг 8 нафари давлат грантлари асосида олий ўқишни давом эттирмакда.

Коллежда эса 5 ўқувчимиз грант асосида ўқимокда. Бир ўқувчимиз Қозоғистон ҳарбий кучлари сафида йигитлик бурчини ўташга отланди.

Султонбой РЎЗИМАТОВ, мактаб директори ўринбосари, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

Тасвирда: С. Рўзиматов.

Одам Атодан қолган ҳикмат

ЭРКАК ОИЛАНИНГ УСТУНИ, АЁЛ ТАЯНЧ БЎЛСА – ЖАМИЯТ МУВОЗАНАТДА ТУРАДИ



Жамият тараққиёти ҳақида сўз кетганда, кўпчилик иқтисод, технология ёки сиёсий ислохотларни тилга олади. Аммо ҳақиқий тараққиётнинг мезони – инсон онгидаги ўзгаришдир. Бу ўзгариш энг аввало, аёл ва эркак муносабати, тенглик ва масъулият туйғусида намоён бўлади.

Бугунги кунда “гендер тенглиги” деган атама янглимак эмас. Аммо унинг мазмунини тўлиқ англаб етиш ҳали ҳам осон эмас. Кимдир буни хотин-қизларнинг сиёсатга аралашуви деб тушунади, бошқалар эса анъанавий қадриятларга таҳдид сифатида кўради. Аслида эса масала тенгликда эмас, балки ҳар икки жинснинг жамият олдидаги масъулиятидадир.

Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам сўнгги йилларда хотин-қизлар фаоллашди. Улар бизнес юритяпти, тадбиркорлик билан шуғулланипти, таълим ва тиббиёт соҳасида етакчилик қилмоқда. Бу уларнинг шахсий ютуғи эмас, балки бутун мамлакатнинг маданий юксалиш белгисидир.

Шу билан бирга, баъзи жойларда ҳануз “аёлнинг жойи ошхонада” деган фикрлар учрайди. Бу гаплар, эҳтимол, ҳазилдек туюлар, аммо уларнинг замирида юз йиллик қопиллашган фикр ётади. Ҳолбуки, тарихга назар ташласак, хотин-қизлар фақат хонадон эмас, балки жамият таянчи ҳам бўлган. Томиримизда Увайсий, Тўмарис сингари жасур ва зиёли аёллар қони бор.

Фараз қилинг, агар фақат аёллар сиёсат билан шуғулланса, нима бў-

ларди? Менимча, урушлар тўхтар, бутун дунё тинчлик сари интиларди. Шунинг учун ҳам сиёсатга илоҳи борича кўпроқ хотин-қизларни жалб этиш лозим. Чунки аёл киши, энг аввало, қалбига қулоқ тутиб иш кўради.

Бунинг учун энг муҳим вазифалардан бири – Парламент сайловларида хотин-қизлар учун алоҳида квота ажратиш ва буни қонун билан мустаҳкамлашдир. Шундагина гендер сиёсатини тўлақонли амалга ошириш мумкин бўлади.

Албатта, хотин-қизларнинг сиёсат билан шуғулланиши муҳим. Лекин аёл нима билан шуғулланишдан қатъи назар, қандай касб эгаси бўлмасин, у энг аввало – она эканлигини унутмаслиги керак.

Айтишларига қараганда, Оллоҳ Таоло Одам Атони яратиб, унинг чап қовурғасидан онамиз Момо Ҳаввони яратган экан. Яъни аёл эркакка бевосита боғлиқ ҳолда яратилган. Шушу, улар “бир поғона паст” тураркан, дейишади. Бу – ривоят, холос. Аммо ҳаётга назар ташласак, ҳақиқат шундаки: эркак – оиланинг устун, аёл эса унинг таянчи.

Гендер тенглиги – бу рақобат эмас, ҳамжиҳатлиқдир. Эркак ва аёл, ақл ва ҳис, куч ва меҳр бирлашган жойда жамият мустаҳкам бўлади. Янги давр биздан ана шундай уйғунлиқни талаб қилади.

Хурбуви ОДИЛОВА, Тўлебий туман ЎЗМБ қошидаги хотин-қизлар кенгаши раисаси.

КЕЛАЖАК – ЁШЛАР ҚЎЛИДА



Шимкент шаҳрининг Қизилсув мавзесидаги «Назира ана» болалар боғчасида тарбиячи Муқаддас Нурметова ташаббуси билан Республика кунига бағишланган байрам тадбири ўтди.

Унда боғча тарбияланувчилари ҳамда гуруҳ тарбиячилари фаол иштирок этдилар. Шеърлар, кўшиқлар ва рақслар орқали Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояси ҳамда фахр туйғуси сингдирилди. Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлолни қадрлаш, келажак авлодининг ватан-

парвар бўлиб етишишида таълим-тарбия аҳамиятини таъкидладилар. Байрам болалар ва меҳмонларда кўтаринки кайфият уйғотиб, Ватанга муҳаббат ва ифтихор ҳиссини кучайтирди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

»» Мутолаа завқи



Ясавий ҳикматларининг сўз жилоси

БАХТИЁР ИСАБЕКНИНГ “ЯССАВИЙ ҲИҚМАТЛАРИ ЛУҒАТИ” КИТОБИНИ ЎҚИБ

нинг ҳам турли таҳаллуслар билан шеър ёзиши табиий ҳол экани таъкидланади.

Муаллиф бу тахминни тарихий манбалар ва тил таҳлили билан асослайди. Масалан, “қул” сўзининг Ясавий даврида “шогирд”, “эргашган”, “тобе бўлган” маъноларида ишлатилгани ҳақида мисоллар келтиради.

**ҲИҚМАТ НУРИДАН
ФАЛСАФИЙ МАЪНО**

Асарда келтирилган талқинларга кўра, Аҳмад Ясавий инсон табиати, унинг нафси, жони ва ақлини бир бутун илоҳий манзарада кўради. Унингча, инсонда Аллоҳнинг Ўзи намоён бўлади – бу фикрни олим “ўз” сўзининг икки маъноси орқали изоҳлайди: биринчиси – Яратганнинг Ўзи, иккинчиси – инсоннинг ўзи.

“Фанолик мақомида ўзининг Ўзи, Фанолик ичра қоқиб кўрур, дўстлар”, дейди Ясавий.

Бу мисраларда инсоннинг ички олами топиш, уни Яратганга қўшиш фалсафаси мужассам.



Ғариб, фақир, етимларни қилғил шодмон,
Хулқлар қилиб азиз жонинг айла қурбон...
Аҳмад Ясавий фақат тасаввуф ахли эмас, балки ахлоқшунос, халқ тарбиячиси сифатида ҳам намоён бўлади.

Бахтиёр Исабек китобида Ясавий ҳикматларидаги маъноли, аммо замонавий ўқувчи учун тушунарсиз сўзларга изоҳлар берган. Шу йўл билан у Ясавийнинг тил ҳазинасини кенг китобхонларга яқинлаштирган.

Муаллифнинг фикрича: “Афсуски, ҳозирда биз “ҳикмат” сўзининг асл маъносидан узоқлашиб, Ясавий асарларини бошқа тиллар таъсирида нотўғри талқин қилмоқдамиз. Бу рисола ана шу бўшлиқни тўлдириш учун ёзилган”.

КИТОБ ҲАҚИДА

“Ясавий ҳикматлари луғати» – адабиётшунослар, ўқитувчилар, талабалар ва Ясавий меросига қизиққан китобхонлар учун муҳим манба. Асар “Академнашр” нашриёти томонидан санокли нусхада чоп этилган.

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВ.	Масъул шахслар: <i>Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22</i> <i>Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42</i> <i>Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90</i> <i>Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71</i> <i>Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97</i> <i>Келес, Саригоч – Малика ЭПТОЕВА. +7702-841-78-82</i> <i>Кентоғ, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97</i>	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биро дарлиги.	● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди. KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR” print” МББ босмахонасида чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05. <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i>
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҒОНБОВ.				Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10500 нуска.
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.		Қозоғистон Республикасида тарқатилади.	Буюртма: 2467.	Набатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.